



▼ Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қиласи:

Туркистон минтақасида курилиш суръати авжиди. Айниқса, вилоят марказида ишлар қизгин. Истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиша аҳоли сонининг ортаётгани инобатга олинди, шаҳарни сайёхлик маркази сифатида ривожлантириш мақсадида давлат дастурлари ҳаётга татбиқ этилмоқда. Вилоят ҳокимлигига мазкур лойиҳалар муҳокамасига багишланган навбатдан ги маҳлис ўтди.



## МЕММОРИЙ ЛОЙИҲАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди шаҳарни Бош река асосида ривожлантириш, ягона меморий услугга амал қилиш зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, кўкаламзорлаштириш, дарахтларни кўпайтириш ҳамда бўш ётган ерларни самарали ва сифатли ўзлаштириш юзасидан топшириклар берди.

Йигилишда 17та лойиҳа муҳокама қилинди. Шаҳар маданият уйи ва шаҳарга кираверишади уйлар қиёфаси, ободонпаштириш лойиҳалари ҳам сараланди. Шунингдек, эшак эшиш каналининг атрофини сайёхлик марказига айлантириш, аквапарк, меҳмононалар барпо этиш тўғрисида ҳам таклифлар кўрилди. Лойиҳаларни амалга оширишда сармоялар жалб қилинади.

## ЭЛНИНГ БИРЛИГИГА ҲИССА ҚЎШГАНЛАР ТАҚДИРЛАНДИ



Туркистон шаҳридаги "Дўстлик уйи"-да вилоят ҚХА аъзолари иштироқида учрашув ўтди. Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари Ертай Алтаев минтақадаги тутублик ва ҳамжигълатники таъминлаш ҳамда маънавият ва маданиятни ривожлантириш, миллатлараро дўстликни мустаҳкамлашга кўшган ҳиссаси ва жамоат ишларидаги фоағлиги учун бир гурух фуқароларни тақдирлади.

Тадбир доирасида Ертай Кенжебекули яқинда адабиёт ва санъат соҳасида Абай номидаги 2024 йилги давлат мукофоти соҳиби, ёзувчи, адабий танқидчи Қулбек Ергўбекка иззат-икром кўрсатиб, вилоят ҳокимининг табригини ўқиб эшиттириди.

Учрашувда ҚХАнинг "Бирлик" олтин медали билан ҚХА аъзоси, Қазигурт туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Жавлон Собитов ва ҚР Президентининг ташаккurnомаси билан Медиация кенгаши аъзоси, касбий медиатор Жулдиз Утегенова, Қозғистон халқи Ассамблейсининг "Қўрмет" фахрий ёргилиги билан Жетисай туман Оналар кенгаши раисаси Раҳила Басимбекова тақдирланди.

Шунингдек, вилоят турк этномаданият бирлашмаси аъзоси Яша Чилингаров ва вилоят



ўзбек этномаданият бирлашмаси Оқсоқоллар кенгаши раиси Зулпархон Чолдонов ҚР Маданият ва аҳборот вазирининг "Мехнат фахрийси" медали билан тақдирланса, ҚХА аъзоси, "Қызмет" газетаси бош муҳаррири Бейсенкул Наримбетова ва "Turkistan Media Holding" МЧБ бошқарувчи директори, вилоят ҚХА қошибадиги Журналистлар ва блогерлар клуби аъзоси Тельман Бейсенга ҚР Маданият ва аҳборот вазирининг ташаккurnомалари топширилди.

## ИССИҚХОНАЛАР - ДАРОМАД МАНБАИ

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Нурбўл Турашбеков Саригоч туманига хизмат сафари доирасида бир гурух иссиқхона соҳиблари билан учрашиди.

Улар қаттиқ ёқилги нархини барқарорлаштириш, сабзавот ва мева импортини тартибига келтириш юзасидан илтимосларни баён этиб, қиши мавсумида электр энергияси билан узлуксиз таъминлашни илтимос қилишибди. Бугунги кунда тумандаги тақциллиги йўқ.

Н. Турашбеков кўтарилиган масалалар юзасидан қонун доирасида зарур чоралар қурилишини таъкидлаб, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси раҳбари ва туман



ҳокимлигининг мутасаддиларига аниқ топшириклар берди.

Вилоятимиздаги иссиқхоналарнинг умумий майдони 1640 гектарни ташкил этиди. Бу республика кўрсаткичининг 71 фоизи. Жорий йилининг 9 ойидаги вилоят иссиқхоналарида 150 минг тонна сабзавот этишитирildi, бу республика аҳолиси эҳтиёжини маҳаллий маҳсулотлар билан 42 фоизга қондириш имконини беради.

Саноат иссиқхоналарини ривожлантириш доирасида бугунги кунда 602 гектар майдонда 3ta лойиҳа амалга оширилмоқда. Натижада 6150та янги иш ўрни яратилиб, иссиқхоналарда кўшимча 180 минг тонна маҳсулот этишитиримоқда. Бу, ўз навбатида, республика аҳолисини иссиқхона маҳсулотлари билан 100 фоиз таъминлаш имконини беради.



## ЁШЛАР ТАРБИЯСИ – ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

"БАСТАУ музокаралари" оммавий маъруzasи доирасида Астана шаҳридаги "Ырыскенд қажы" масжидининг Бош имоми, теолог, диншунос олим Нурлан Байжигитули ҳамда "Диний масалаларни ўрганиш маркази" ДКК директори Медет Музапбарули Туркистон шаҳри ёшлари билан учрашув ўткашиди.

Тадбир Туркистон вилоят Ижтимоий тараққиёт бошқармаси "Ёшлар имконият маркази" ташаббуси билан ташкил этилди.

Учрашувни Туркистон вилоят Ижтимоий тараққиёт бошқармаси "Ёшлар имконият маркази" таҳбари ўринбосари Пердебек Сержанули олиб борди.

Тадбир давомида маърузачилар қатор муаммоларга тұхтады, ёшларни қызықтырган доларб масалаларни муҳокама қилишибди.

## ЭСТАФЕТА ТАНЛОВГА УЛАНИБ КЕТДИ

"Яхши сўз – жон озиғи" доно нақли бежиз айтилмаган. Ота-боболаримиздан келаётган анъанага содиқ ҳалкимиз қарияларнинг панд-насиҳатларига амал қилиб келгандар. Буюк аллома Абайнинг "Ишнинг натижаси унинг қандай тугашида эмас, қандай бошланғанидан билинади", деган насиҳати абадий мерос бўлиб қолган.



"AMANAT" партияси вилоят филиали асрларга татигулик маданиятимиз ва қадрияларимизни тарғиб этиш мақсадида Туркистон вилоятини партия аъзолари иштироқида "Дуо билан эл кўкарар" эстафетасини ўтказиб, туман ва шаҳарларда "Дуогўй қария" танловлари билан давом этирди.

Танлов шартларига кўра, иштироқилар топшириқларни икки босқичда бажариши. Биринчи босқичда қариялар "Эл бирлиги – Омонатнинг мероси" мавзуи доирасида элнинг баракасини ошириш, тутубликни мустаҳкамлашга доир тилакларини билдириш, иккинчи босқичда эл оғалари эркин мавзуда тарбиявий аҳамиятга молик дуоларни таддим этиши.

Ҳакамлар ҳайъати қарори билан тулкибошлик Жарилқап Бекжанов 1-үринга, сўзқлик қария Утепбай Имашов 2-үринга, Саврон тумани фахрийси Ўтеген Ашенов 3-үринга муносиб топилди. Жетисайлик 94 ёшли оқсоқол Қалмурат Кулханов 2-үринга, Саригоч тумани Аманбаев махсус совиринга эга бўлди. Барча совирдорларниң киғитига зарбоф тўй ёпилиб, эсадлик совғалари топширилди.

## ЁРҚИН ИСТИҚБОЛГА ЮЗ ТУТГАН ШАҲАР

ТУРКИСТОН ШАҲРИДА 7 МИНГДАН ЗИЁД ИШ ЎРНИ ОЧАДИГАН 192та САРМОЯВИЙ ЛОЙИҲА ПУХТАЛАНДИ



Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди раислигида ўтган мажлисида Туркистон шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётни муҳокама қилинди. Шаҳарга яқин жойлашган ҳудудларда тарихий ва қўхна ёдгорликлар жойлашганини боис, сайёхлик шунга мутаносиб равишда равнақ топмоқда. Махсус иқтисодий ва индустрiali минтақаларнинг мавжудлиги вилоят марказининг равнақига салмоқли ҳисса қўшилмоқда. Минтақа раҳбари шаҳар тараққиётни таъкидлаб, ишларни жадаллаштириши топшириди.

(Давоми 3-бетда.) ▶

## ЯНГИ ҲОКИМ ҚУРИЛИШ ИНШООТЛАРИНИ ОРАЛАДИ

Тўлебий туманининг янги ҳокими Еркеғали Алимқулов ишни худуднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъкидлаб, ишларни танишишдан бошлади. Фуқаролар томонидан тез-тез кўтарилаётган бошпана масаласига эътибор қартиб, дастлабки хизмат сафари билан Ленгер шаҳри 1-кичик туманида барпо этилаётган 2ta уйга борди.



Ушбу кўп қаватли 2ta бино хусусий сармоядорлар ҳисобидан аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари ва кам таъминланган кўп болали оиласлар, бюджет муассасалари ҳодимлари учун қўрилмоқда. Туман раҳбари Еркеғали Амантаули пурдатчи корхона вакиллари билан учрашиб, иштош курилиши билан танишиди.

Ленгер шаҳридаги Қапал Батир кўчаси бўйида 5 қаватли 3ta уйга борди. Уларни "Vek Story Com" ва "МОЛШЫЛЫҚ" МЧБлар барпо этилоғандан гўнга кўп қаватли 2ta бино хусусий сармоядорлар ҳисобидан аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари ва кам таъминланган кўп болали оиласлар, бюджет муассасалари ҳодимлари учун қўрилмоқда. Туман раҳбари Еркеғали Амантаули пурдатчи корхона вакиллари билан учрашиб, иштош курилиши билан танишиди.







## Дугонам Шаҳзодага!

Доим нур ёғилиб турар юзингдан  
Қалбим ҳузурланаң ҳар бир сүзинедан  
Мөхрини туяман қараб кўзингдан  
Ёлгиз дугонамсан ўзинг Шаҳзодадам!

Сенга сирларимни айтаман ошкор  
Яхшиям сендаин дилкаш қизлар бор.

Келмасан сўзларина қиласди хумор  
Сен борсан яшайман, қувнаб Шаҳзодадам!

Аллоҳда айтаман шукримни доим  
Сендаин дўст борми гўзал, мулойим  
Яратган баҳтинени берсин ишойим  
Яқиним, сирдошим ўзинг Шаҳзодадам!

Севинч МАМАТКАРИМОВА.



»» Ҳидоят сари

## ОИЛАДА ЭРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Аллоҳни таниган, унинг ўйтларига вижидон тоат қилган эр оиласига ҳам жаъобгардир. Ҳар бир оила – мустақил давлатга ўхшайди. Унинг осойишталиги ва мустаҳкамлиги ҳар бир оила аъзоси ўз маъжбуриятларини қай даражада бажаришига боғлик. Икки яхи бирлашса, улар бутун умр дўст бўлиб қолади. Икки ёмон бирлашса, ҳаётининг поёнигача бир-биридан қасос олади.



Исломда аёлнинг эрига нисбатан масъулияти бўлганидек, эрнинг ҳам хотинига нисбатан кўп масъулияти бор. Яъни:

- \* Оиласи моддий жиҳатдан таъминлаш;
- \* Жуфти ҳалоли билан яхши мумалада бўлиш;
- \* Уй ишларига ёрдамлашиш;
- \* Қайнин юргига хурмат.

Шариатда эр жуфти ҳалоли билан фарзандларини моддий жиҳатдан таъминлаши лозим. Хотини билан ажрашиб кетса ҳам фарзандлари vogяя етгунга қадар моддий жиҳатдан таъминлаши шарт. Аллоҳ Таоюло Қуръони каримнинг 6-7-оятлари(Талоқ сураси)да марҳамат қиласди: "Уларга имкон қадар ўзингиз яшаб турган ўйдан жой беринг. Агар ҳомиладор бўлсалар, то ҳомиларини кўйунларигача нафақа беринглар. Аллоҳ сизга (фарзандни) эмизиб берсалар, ҳақларини беринг. Ўзаро яхшилик билан маслаҳат қилинглар. Ризи кенг кенглигидан нафақа қилин. Аллоҳ ҳеч бир жойга ўзи берганидан ортиқ юкламас. Аллоҳ қийинчиликдан сўнг тезда осонликни берур".

Пайтамбаримиз (с.а.в.) аёллар тўғрисида: "Аллоҳдан кўркинлар. Уларнинг озуқаси, кийим-кечагини тугаллаб беринглар", деган. Бир куни саҳробанинг аёли Пайтамбаримиз (с.а.в.) хузурига келиб: "Эй Аллоҳнинг элчиси, (с.а.в.) менинг эрим жуда хасис. Мен унинг мол-дунёсидан ўйдан сўрамай оласам, гуноҳ эмасми? деб сўради. Аллоҳнинг элчиси (с.а.в.): Унинг мол дунёсидан ўзингга, яъни бола-чақангича етадиган миқдорда олишинг мумкин", деб рухсат берди. Шундан кўриниб турибиди, эр нафақа берниши воқижиди.

Озиқ-овакт, кийим-кечак билан таъминлаш, бошпана ажратиш эрининг даромадига мувофиқ амалга оширилади. Бир саҳоба Аллоҳнинг элчисига: "Бизларнинг ҳар биримизда аёлларимизнинг қандай ҳақлари бор?", деб сўради. Ул (с.а.в.): Ўзинг овқатлансанг, уни ҳам овқатлантири. Кийинсанг, уни ҳам кийинтири. Сен унинг юзига урма, ҳақоратлама, зеро, воз кечиб кетишингта бўлмайди, деб жавоб қилди. Эр исха яроқли бўлса, меҳнат қилиб, оиласини боқишига мажбурдир. Боланинг отаси ногирон бўлса, уни боқиши ота ўрнини босадиган қариндошларининг бирига юкланди. Динимизда эрининг оиласи учун сарф қилган маблагининг ҳаммаси садақа хисобланади. Пайтамбаримиз (с.а.в.): "Аллоҳ йўлида, кулини озод қилиш учун, камбағалга садақа хисобида ҳамда оиласига динор (пул бирлиги) сарфлассанг, шуларнинг ичиди энг савоби – оиласиг учун сарфлаган тулингидир", деган.

Жуфти ҳалоли билан яхши мумалада бўлган ҳар бир оиласиган барака ва бирлигига теран маъно бор. Оила ҳеч қачон камчиликсиз бўлмайди. Рўзгорда аёл эрининг, эр аёлнинг камчилигига кечириб билан қараши мухимадир. Аллоҳ Таоюло Нисо сураси, 19-оятида шундай марҳамат қиласди: "Эй иймон кеътирганлар! Сизларга аёлларни зулм-ла мерос қилиб олиш ҳалол эмас. Озиқ фаҳш иш (бузуқлик) қиласалар, берган нарсаларингизнинг баъзисини олиш учун уларни зўрлик билан ушлап турманг ва улар ила яшанг. Агар уларни ёқтирасангиз, шоядки, Аллоҳ сиз ёқтирамаган нарсаларда кўпгина яхшиликлар пайдо қиласди.

Ушбу оят Исломдан олдинги даврда яшаган аёлга зулм ва жабр шаклида жорий қилинган баъзи одатларни йўқа чиқармоқда. Жумладан, жоҳилий арабларнинг одати бўйича, эрқак вафот этса, унинг хотини ҳам қариндошларга мерос бўлиб қолади (Исломуз).

Эрқак оиласига ғамхўр бўлиб, жуфти ҳалоли билан яхши мумалада бўлмагни шарт. Пайтамбаримиз (с.а.в.): "Аёлларинг билан яхши мумалада бўлинглар, зеро, улар Одам Атонинг қийшик қовуғасидан яралган. Агар қовурғани тўғрилашга уринсангиз синдириб олишингиз мумкин. Эр оиласи билан яхши мумалада бўлиши керак. Оиласини боқиши учун ишлаш керак. Вактида сайр, томоша қилидирни каби ишларни унумтанди", деган. Бу Пайтамбаримизнинг (с.а.в.) суннат амаллари бўлиб ҳибобланади.

Бир ота дунёдан ўтадиган вақтида ўғлини чақириб, васиятни қилиди: "Мен дунёдан ўтгандан кейин ҳар жумада қиз ол. Ҳар шаҳарга иморат сол. Овқат есанг – асал е", дебди. Отаси дунёдан ўтгандан кейин ўғил унинг васиятини қандай бажариши ҳақида кўп ўйланибди. Қанча ўйламасин, васиятнинг мазғини чақоплабди. Далагча чиқиб, харсанг тош ёнида ўйга чўмид ўтираси, бир қария келибди, йигит унга салом бериди. Қария нега бунча ўйга чўмгани сабабини сўрабди. Йигит отасининг васияти ҳақида айтиб, унинг маъносига тушунгани билдириби.

Қария донишманд экан, йигитнинг мушкулини осон қилиди: "Отангнинг жума сайин қиз ол, дегани аёлнинг билан яхши мумалада бўл, қадрингни йўқотма, шунда умрбод тотли ҳаёт кечиравчи, деганидир. Ҳар шаҳарга ўй сол, дегани – мусофирик сафарига чиққанинга, ўйда тунашга рухсат берадиган садоқати дўстларинг кўп бўлсин, дегани. Овқат есанг – асал е, дегани – ҳадол мехнат қиласан, ишлаб топганинг асалдек тотли бўлади, деганидир".

Шу хикоядан ибрат олиб, оиласиг билан тинч-тотув ҳаёт кечирайлик, дўст ортириайлик, меҳнат қилиб топганимиз асалдек ширин бўлсин.

Қайнин юргига ҳурмат қилиши, эрқакнинг оиласини саранжом-саришта саклаб, фарзандларини дунёга келтирган жуфти ҳалолига ҳурмати унинг қариндош-уругларига эҳтиромидир. Ҳусусан, Пайтамбаримиз (с.а.в.) жуфти ҳақолининг қариндош-уругларига бўлган ҳурмати ўзгача бўлган. Ҳадиси шаърифда Ҳадича онамиз қариндош-уруглари билан ўйга келганда ҳурмат қилиб, иззат кўрсатган.

Аллоҳ Таоюло оиласига барака, фарзандларимизга саодат ва омонлик берсин. Элимиз тинч, юртимиз фаронов бўлиб, ҳар бир оила баҳтили ҳаёт кечириси.

Жумадулла АБЕНОВ,  
Саврон туманинг фахрий фуқароси.

## СҮНГГИ ЯПРОҚ

Дарахтдаги сўнгги япроқ  
Чирт этди-ю, узилди.  
Уни кўриб ўрек-багрим  
Кўп ачиниб эзилди.  
Афсуз унинг куни битиб,  
Умри якун топибди.  
Бебафо ҳаёт унга  
Хазон руҳин ёбибди.  
Инсон умри ўшар экан  
Шу узилган япроқка.  
Яшаб-яшаб ахир бир кун  
Тушаркан-да, тузоқса.  
Бошга тушганин куз кўрар  
Хайрли қил ўша кунни.  
Ларвардиғор Қодирсан  
Оҳиста еч тугунни.

## ҚИЗАЛОҒИМ

Қизалогим, қўзларинг жиққа тўла ёш  
Сени хафа қилдими, қайсида бебош.  
Ранжима бошини узра чиқандиа кўёш  
Уни қўулларинг билан тўсиб қўясан.  
Хафа бўлиб анча ўқисиб қолдинеми?  
Муштапар қалбинга алам солдинеми?  
Мурракаб ҳаётдин сабоқ олдинеми?  
Кўравериб, чуноги доно бўласан.  
Бу дунёнинг шундок ташевшлари кўп  
Ҳаммадёда олатасар, олатпур.  
Мехр билан онангнинг ўзларидан ўп  
Сўнгера уни тополмасдан қоласан.  
Эсинг таниб каштга бўлиб қолганинга,  
Ошиқларинг гулдан ўйлак согланнида  
Гурс-гурс урган юрак тафтиг оланида  
Кимларгайдир керак бўлиб қоласан.  
Ҳаёт ўзи тўхтамасдан ўтади  
Шодлик, қайғу наебат билан етади.  
Ҳаммасини иймон, инсоғ енгади  
Амал қиласане мақсадинага етасан.  
Ҳар борлиқнинг охири бор, сўнгги бор  
Одамзоднинг фарқланучи онги бор.  
Лек инсонга бу ҳаётнинг ўзи тор  
Бу қондани ўзинг билан олиб кетасан.  
Соч оқигига сени анча безабди  
Ҳар ким буни ўз вақтида сезсади.  
Яратувчим бизни доим тергайди  
Тўғри бўлсанг, қўзда ёшсиз ўтасан.

## ЧАНГ БОСИБ ЁТГАН КИТОБ

Ўқилмай чанг босиб ётса китоб  
Инсон боласи учун бу китоби гуноҳ  
Билим, маърифат жамланган офтоб  
Қадрсизланиб кимдан топади паноҳ.  
Китоб инсон-чун баҳоси ўйқи кашфиёт  
Ҳар ишда бизга бўлар маддадкор  
Бўлар-бўлмас нарсага ишлатиб фақат  
Уюлаға қолиб қўзмайлик хор-зор.  
Агар у билан дўстлашиб олсанг  
Дунёнга янги дунё қўшилар.  
Синчилаб ўйқи магзини чиқсанг  
Турли ҳисларинг қалбда жўш урар.  
Китоблар борлиқнинг очимламаган сирлари  
Ўргатганига сендан ҳақ талаб қиласан.  
Табиатнинг кенг белоён қирлари  
Нодонларни қатордаги одам деб билмас.  
Юз ўзиригансиз китобдан кўнглиниг айниб  
Замонандан кўп оркада қолибсан  
Туну кун компютерни дўст тутуби  
Илмисизлик ботқогига ботибсан.  
Ўқи, ўқи деб айтилган сўзлар  
Биз ожиз инсонларга бўйрилган.  
Миллион-миллион қора кўзлар  
Маърифатли бўлсин деб яратилган.

Қодир АХМЕДОВ,  
Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси.

## >> Буюк Даشتнинг улуг алломалари

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

У от түёгига мослаб бир-бир қадам босади. Карвон хароп кентларни, вай-рона боғларни, кимсасиз далаларни ортда қолдириб, хона муборакка тобора яқинлашиб боради.

Шайхнинг бир ҳикмати бор. Ортда қолар тогинги эмас, борар боғинги ўйла, дер эдилар. Ҳали Бухорои ша-риғаг олис, камиди опти кунлик йўл. Дарғом сувидан энди кечдилар. Олдинда Миёнкалья, Кармана, Тавис, Фиждувон турибди. Барибири Ҳазрат тўриқда енгил чайқалиб кетаркан, хаёлини Бухоро банд этди. Машри-даги бу музазам шаҳарнинг ораста кўчалари, хазинат-ул ҳикматга тўла мадрасалари, жаҳон овозаси бўлмиш бозорлари, кундуз офтобни, тунда ойни акс этизуручи зилол ҳозурлари бирма-бир кўз олдидан ўта бошлади. Бухорони тарк этганига ўн йилдан ошиди. Шаҳар сомонийлар даврида обод эди. Қоҳонийлар таҳтини эгалагач, унинг ҳуснига-хусн кўшилди. Тимлар, тоқилар, фавворалар, рудлар, мас-жиду мадрасалар курилди. Барака тогидан сопол қуворларда сув кептирилди. Зариrud деб атамлиш ўқариқ кенгайтирилди. Мана, неча замонлардирки, шаҳар салжуқийлар сultonни Муиззаддин Санжари мозий илкига ўтди. Санжар не каромат кўрсатди экан? Куббатул исломга равнақ бердими ва ё анинг зеб-зийнатига маҳлий бўлиб юрибдирум? Шайх дунёнинг ул бурчиди. Дасти Қипчоқда туриб ҳам гоҳо ноҳуш хабарларни эшитиб юрибди. Бухорои шарифдаги гариф дўзандалар тўқидиган зар палаклар, гиламчилар босгани фундукдик жойна-мозлар, зарбоф чопонлару дарпарда-лар Багфод халифасининг останасига этилб ташланарниш. Эл-улуснинг тия-тум мол-мулки бир дуюй, хайд бадалига горат қилинармиш. Халифа учун маҳобатли бир заррин дарпарда тўқибидиларки, анинг қиймати Бухоронинг бир йиллик хирохига тенг эрмис! Алҳазар! Бул қандойин бедодликки, бир вилят ахлиниң йил-ўн икки ой йиглаб-йиглаб қўлғон меҳнатни эвазига муслимлар халифаси шоҳона касрни безатиб, пишириб ўтириса! Амир ал-муслимин қўлодигон юмушми бу! Қани инсоф, қани диёнат!

Шайхнинг кўкси тошиди. У фикран дўстич Шайх Абдулхолик Фиждувонийнга таъна қилид: «Рутбагиз баланд, дўстим. Макомингиз хожа жаҳон. Сулук сардорисиз. Ноиблару волийлар йўленини тўсиб, ҳалқнинг ўзи топган наисбасини ўзига раво кўрмак чорасини қўлмок лозим эди». Ҳазратнинг кўз олди равшанлашибди. Қаршисида кўкиш, тиниқ бир нур пайдо бўлди. Нур гумбазга айланди. Гумбаз ичидан Абдулхолик сизи чиқди. У дўстига тимкора кўзларини тикиб жавоб қилид: «Дашномингиз жоиз, Шайхим, вали бир матал борки, турк йиглаган гапга ажамлик кулар эрмис. Улус оғалари бирини минг, мингини туман кильмок илинжиди Бухоронинг ҳам зарини, ҳам харини халифага ниёз қилиб ўтирион бўлса, не илож? Сув бошидан лойқа, дўстим».

Ҳалиги зангори шуъла сўнди. Фиждувонийнинг таниш сўйисоси гойб бўлди. Шайх басират кўзи билан кўр-гандарини тагин бир мушоҳада қилиб, ўлга тикилди.

Ёўл юрганга йўл ёвук экан. Шайх карвони тинмай йўл босиб, учини куни Карманага бориб қўнди. Бухорогача икки манзил қолган эди. Даравишлар «Еҳу» деб тагин изларига қайдилар. Шайх мусофири йўлдошлирага бир кун дам берди. Пайшанба тонги отди. Сулаймон хонақоҳдаги бир беморнинг ҳолидан хабар олиб келаётган эди. У табиблик ҳам қилилар. Шайх ул-машоҳидининг хонасига яқинлаши-ю, тахта бўлиб қолди. Рўпаратсида бир қучоқ ўтиш кўтариб... Қутбиддин турарди! Сулаймон сири фош бўлган кимсадек бир лаҳза довдидари. Сўнг, ноилож илжайди.

– Ҳов, на илож этиб галдингиз бу ера, шаҳз... иним!

– Ассалому алайкум, оға, – деди Қутбиддин, икки кўли банд бўлгани учун бош эгиб, – Аллоҳга шукр, насибасига этиб олдим.

Сулаймон Ҳазрат ҳузурига Қутбиддин билан бакамти кириши истамади.

– Манга беринг оғочни, – деди ва ёш ҳалифанинг кўлидан ўтнини олиб ичкари кириб кетди. Сулаймон Шайх хонасидаги мўрконли ўнчоқа ёғоч тах-лаб, ўт қўяркан, Ҳазрат маъноли йўтади. Сулаймон беихтиёр ўтирилди.

– Сулаймонкун, сафимиз андак кенгайиб қолғон кўринарму? – деб кумисидари. Сулаймон дархол юқинди.

Аммо узр айтмади, бошини ҳам қилиб ўтираберди.

– Оловни ёқинг, аёз забтига олди, – деди Шайх.

Сулаймон девдек гавдасига ярашмаган эпчилик билан иргиб турди. Шайх кўзларини юмди. У тагин борар боғини саир қилиди. Ҳаёлидан қиёматлик дўстич, соҳиби қаромат Абдулхолик Фиждувонийн кетмай қолди. Султон ул-ориғин Ахмад Яссавийнинг Ҳижоз сафарига отланганидан Абдулхолик Фиждувонийнинг хабари бор эди. Шайх бир неча ой муқаддам Хожага

муҳтасар нома битиб юборган, унда, Аллоҳ наисб этса, жумодилохирнинг оёқларинда Бухорои шарифда дийдор кўришимакни умид қилган эди. Ҳожа шаҳлараро елвазақдай изгиб юрувчи тужжорлар тилидан Шайхнинг Самарқандада сокин бўлиб турганини ҳам эшитди. Жумодилохирнинг йигирма олтинчи куни ўтиб борар, вали азиз меҳмондан хушхабар йўқ эди.

Ниҳоят, мұхжада келдик, бир замоннан

лар бир бурда нонни бўлиб ёйишган

жон дўстич Шайх Ахмад Яссавий Карманага эмис. Ҳожанинг руҳ қуши учиб

Кармана сари кетганек бўлди. Даражол навжувон халифаси Ориф Ревгари

йиҳуда ҳузурига чорлатди.

– Моҳи тобон, Шайх ул-машоҳий

Карманага етибурд. Истиқболига от-

ланинг. Муштоқи дийдор эканлигимиз-

ни билдирин.

Ориф Ревгари Бобо Мочин син-

гари елоёқлардан эди. Ҳоҳаси йўл

тадоригини ўйлагунча шаҳристондан

чиқиб, работга етиди. Ҳожа қабатига

халифаларидан Аҳмад Садоқий,

Авлий Кабир, Сулаймон Карманийн

олди. Бухоронинг кирк уламосини эр-

гаштириб, бомдодда Фиждувон сари

йўлга чиқди. У Туркистон валийисини

ўзи туғилиб ўтсан кадрдан юртида

кутиб олишини ният қилган эди. Ориф

Ревгари камиди ўн фарсах келадиган

йўлни уч соатда босиб ўтиб, Карманага

етиб келди. Шайхнинг жиловдорига

айланди. Ҳазратнинг ўнг тарафида

Бобо Мочин, чап тарафида Ориф Рев-

гари. Ҳожа Абдулхолик уламон киром

ида дўстининг поинийни ўйлагунча

шакарни ўйлагунча келиб юрдиши

бондада оғални ўйлагунча келиб юрдиши

## ҚУВВАТ БАҒИШЛАЙДИМИ ЁКИ ОРТИҚЧА ДАРДМИ?

Гулсара опа күшни савдо дүкөнинг кириб, нон олмоқчи бўлди. Сотувчи йигитни танимади, янги бўлса керак. Нон ҳақини тўлаб, энди чиқиб кетмоқчи эди, ҳалиги йигит тўхтатди: "Опа, кечиралисиз, бир нарса сўрасам, маймими?". "Сўрнг!". Мен шу ерда ишаётганимга уч ҳафтача бўлиб қолди, маҳаллий аҳолини ҳали яхши танимайман. Лекин бир йигит, шу атрофда турса керак, ёши 35-36ларда, новчадан келган, сал оқсоқланиб юради, кунига икки маҳал энергетик ичимликлар соғтиб олади. Яна тамаки ҳам қўшиб олади. Уша йигит "Энергетик"ка мукасидан кетганми, дейман, ҳақиқий ишқибозга ухшайди. Хуллас, сиздан илтимос, ўша йигитни таиснагис, ота-онасига ҳам айтиб қўярсиз, энергетикин "блок"лаб олиб, истеътмол қилиши яхшимас, охири вой бўлади.

Гулсара опа сотувчининг гапларини индамай эшилди, аввалига танаси музлади, кейин кўлларни калтиради. Дарвозани қандай очиб, уйига қандай кирганини ҳам сезмади. Ўй-ҳаёли ҳалиги "энергетик"ка мукасидан кетган йигитда бўлди. Қандай ҳам ўйланасин, қандай ҳам безовта бўлмасин, ахир, уз ўйли-ку. Онаизор бир эмас, бир неча марта уни бу ёмон одатдан қайтаршига уринди, кор қимади. Натижада... Кунлардан бир куни кеплини безовталаниб, қайнонни ёрдамга чакириди. Хонасига кириб қараса, ўғли тўсатдан пайдо бўлган кучли оғриқдан икки букилиб ётари. Она "Тез



ёрдам" чақириди. Касалхонада беморни олиб қолди ва зудлик билан муолажалар бошланди...

— Буйракдаги яллиганинидан ташқари, тош ва инфекция ҳам бор.

Дўхтирининг хулосасидан тарвузи кўлтиғидан тушган ҳолда паришон қолган она ўйланаб қолди. Фарзандига қандай ёрдам берса экан? Касаллик сабабини шифокорлар аниқ айтишимади. Лекин ўғли анча даволангач, ўзига келиб қолди. Лекин муваффақиятли даволанди, дард тўлиқ чекинди дегани эмас, албатта. Вакт ўтиб, касаллик янга хуруж қилиши мумкин. Айниқса, буйрак инфекцияси бутун организмни заҳарлаши мумкин. Эсиз... єши қирққа қараб кетаётса-да, ўғли ҳангуз саломатлигини қадрига етмайди, парҳез, соглум турмуш тарзи деганларга амал қўлмайди. Хуллас, бу ётиборсизликнинг асоратлари ёмон тугаси ани...

Гулсара опа буғун дўкonga кириб, ўглининг касаллик сабабларини билиб олди, ха, ўша ўлгар, ичимликлар боласини бошига етди. Ҳа, ўша ҳавфли ичимликлар, бу ани...

Афуски, буғунги ёшлар чой ёки сутни деярли

ичишмайди, улар ўртасида энергетик ичимликлар "урф"га айланган. Таркиби билан ҳам ишлари йўқ. Кимёвий моддалар кўшилганни, йўқми, хавотир тудирадиган бошқа маҳсулотлардан яратиласиди, ўйлаб кўришмайди ҳам. Яна уларни бир-икки марта ичиб қўйишига, майли экан, сурункасига, меъёридан ортиқ истеътмол қилишиади.

Мутахассислар эса бундай ҳолат бош мия, марказий асаб тизими, бўғимлар ва бошқа аъзоларга зарар етказади, таркиbidagi моддалар вактина тетикилк берниши, ақлий фаолиятни кучайтиши, чароқни кетказиши мумкинлигиги, кейин эса организмизда ҳоргинлик баттар кучайши, бош оғриги пайдо бўйиши, жисмоний фаолиятни ҳам сусайши мумкин. Нимага керак бўлиб қолди, қизим?

— Агар бемор астма билан касалланган бўлса, нафасини сикиши мумкин. Нимага керак бўлиб қолди, қизим? — Шунчаки қизиқаяпман. Гулларга аллергияси бор одамлар кўп учрайди. — Қизиққанинг яхши. Ҳа, бўлмаса ишни бошладик.

Сурайё ўзига тегишили ишларни бажаришига киришар экан, беихтиёр акасини ўйлади. Акаси ўн йилдан бўён астма касалидан қўйиалиб, нафаси сиқилиб юради. У акасининг ўйи олдиаги чиқинди қутисидан топган ярим котирилган дасталарини ва ётогидан чиқсан гулдасталарни эслади. Аллақандай тушунчариси шубҳа, хис-туйгулар ҳаёлини чулгаб олганди.

### »» Жиноят ва жазо

Сурайё (этика нуқтаи-назаридан исмлар ўзгартирилди) ўзи ишлайдиган шифохонанинг кириш эшигига яқинлашиб қолганида ичкаридан чиқиб келаётган ҳаммасб аёлни кўриб, таъби ҳисарлашиб.

— Ассалому алейкум Майрам опа! — салом берди.

— Ҳа, Сурайёхон, ишга чиқдингизми? Бандаликда, акангиз бунақа бўлиб қолиди.

— Худо раҳмат қўлсин. Шундай бўлиб қолди опа.

— Ўқаси, деб эшитдим. Ҳалиги-

Дақа касалмиди?

— Астаси бор эди акамнинг, — деди Сурайё. — Худойим берган дард экан. Ким нимадан кетиши ёлгиз Худойимга аён. Олти йил турумуш куришса ҳам фарзандлари йўқ эди...

Хаёллар оғушида столда ётган китобни кўлига олди. Китоб «Аллергия хасталиги ва аллергенлар» деб номланган эди.

Хонага кириб келган врач Шоҳида опани кўриб иргиб ўрнидан турди.

— Ассалому алейкум.

— Ваалайкум ассалом қизим. Келдинги?

— Ҳа.

— Нима ўқияпсан?

— Аллергенлар тўғрисида экан...

Бир савол берсан майлимни?

— Сўра.

— Гул... Мисол учун атиргулни олсан. Аллергия билан оғриган бемор атиргулга тоқат қилолмайди. Атиргулнинг ҳиди беморга айнан қандай салбий таъсир қўрсатади?

— Агар бемор астма билан касалланган бўлса, нафасини сикиши мумкин. Нимага керак бўлиб қолди, қизим?

— Шунчаки қизиқаяпман. Гулларга аллергияси бор одамлар кўп учрайди.

— Қизиққанинг яхши. Ҳа, бўлмаса ишни бошладик.

Сурайё ўзига тегишили ишларни бажаришига киришар экан, беихтиёр акасини ўйлади. Акаси ўн йилдан бўён астма касалидан қўйиалиб, нафаси сиқилиб юради. У акасининг ўйи олдиаги чиқинди қутисидан топган ярим котирилган дасталарини ва ётогидан чиқсан гулдасталарни эслади. Аллақандай тушунчариси шубҳа, хис-туйгулар ҳаёлини чулгаб олганди.

## ИЙМОНДАН АЙИРМАГАН ГУМОН



из, қоп дейсиз... Сизга ўзи бугун ниша бўлган! — деди Фарида ўрнидан сапчиб туриб. Асабийлашганида унинг лаблари титраб, чам қовоги пир-пир учарди. — Нимага менин бунча суроқга тутиб қодингиз?

— Менга соппа-соғ юрган акамнинг тўсатдан ўлиб қолгани ғалати туояпти.

— Ҳўш! Нима демоқчисиз ўзи? Ҳали акамни сен ўлдиригансан ҳам дерсиз?

— Билмадим, — деди Сурайё босицлик билан аммо заҳарханда қилиб. — Лекин мен тибийт ходими-ман, унча-мунча нарсаларга ақлим етади. Қолаверса, акам ўлмасдан бир кун олдин, яна ўша куни кечурун шунча атиргул сотиб олганинг жуда қизик. Яна бошқа бъазни бир нарсалар менга жуда шубҳали туояпти.

— Истаганингизча шубҳаланаверинг, — деди Фарида.

Шу куни Сурайё ички ишлар идорасига бориб ариза топшириди.

Жиноят иши юзасидан тергов ҳарзатлари олиб бориби, айлов хулоаси билан якунланди. Ҳозирда мазкур жиноят Тўлебий туман суди томонидан кўриб қишлоғида.

**Р. САБАЗОВ,**  
ички ишлар тизими  
фаҳрийси, полиция майори.

### »» Ҳажв дафтаридан

## РАФБАТ



Савдо маркази деб номланган катта дўконга кирмаганимга анча бўлган эди. Расталарни оралаб, зарур нарсаларни бир зумда харид қиласану, пулини тўлашга соатлаб туриб қоласан. Бир ёки икки кассир хизмат кўрсатади. Уларнинг кўполларигина айтмайтаси. Шунинг учун ушбу савдо марказини қўпинча четлаб ўтарибди.

Буғун кириб, бир зум котиб қолдим. Ҳаммаси аввалгайдай, фақат кўк либос кириб олган сотувчilar ҳаридорга жилмайиб қарашди. Бўлиши мумкин эмас, оркамда кимдир турганлар, деб, ўтирилб қолгандир, деб, уст-бoshimish куздан кечирдим. Бошимни кўтарсан, сотувчи менга қараб, жилмайиб турибди. Кета қолсаммикан, деб ўладим. Лекин кеч эди.

— Ҳўш, яхши йигит, хизмат? — деди у.

Бундай муомаладан кейин, одам довдираб қолар экан.

— Қулоғим сизда, — деди у кулиб.

Мен бу ерга нима учун кирганим ҳам эсимдан чиқиб кетди.

— Сонун олмоқчи эдим, қайси растанда эканлигин топлаяйман, — деди.

— Мен билан юринг, танлашга ёрдам бераман, бизда совуннинг 100дан зиёд турни бор.

Бир халта совунни олиб, пулини тўлашга келсан, навбат йўқ. Пулини тўладим, чек бериши.

— Раҳмат, — деди сотувчи.

— Нима учун?

— Ҳаридингиз учун. Тез-тез келиб туринг, — деди.

— Худоюн холаса, эртага ҳам келаман, — деб.

— Ҳудоюн холаса, эртага ҳам келаман, — деб.

—

»» Обуначиларимиз орасида

## БҮЮК ДАШТ ДИПЛОМАТИ ТҮЛЕБИЙ НОМЛИ МАКТАБДА

Көлгүсі ярим йилликка жамоамис 30 нусхаса "Жанубий Қозоғистон" нашырында шартнома орқали расмийлаштырилди.

Давлатимизнинг тинчликпарвар сиёсатини ўзбек тилида тарғиб эттаётган, мустақиллик тенгдоши бўлган "Жанубий Қозоғистон" вилоят газетаси обунасида мактабимиз директори, тажрибали устоз Холдор Усмонов, директор ўринбосарлари Айнур Жумадуллаев, Султанхан Ўразметов, ўзбек этномаданият

бирашмаси раиси Фанишер Неъматовлар ҳам муносиб хисса кўшмоқда.

Газета саҳифаларида Саврон туманига қарашли "Иасси" кишлоги ва Түлебий номидаги мактабимиз ҳақида мақолалар мунтазам равишда чоп этилаётганлигини мамнуният билан қайд этамиш.

**Юлдуз УРАЗМЕТОВА,**  
Түлебий номли умумтаълим  
мактаби кутубхона мудириси.

Тасвирда: директор Холдор Усмонов  
ва кутубхоначи Юлдуз Уразметова.

## Маънавият ва маърифат



**Чоҳҳдайт**

"УЛУС БЎЛСА МАЪМУР  
БИР ГАНЖ ЭРУР,  
КИ АНДИН ЖАҲОН ФАТҲИ  
ОСОН БЎЛУР".  
Алишер НАВОИЙ.

(Мазмуну: "дунёда ҳар қандай қийинчи-  
ликларни ҳал қила оладиган хазина – ҳалқ-  
нинг тўк ва шод яшашидир").

"КУННИНГ ОДАМИ БЎЛИШГА  
ХАРАКАТ ҚИЛМА, ҲАҚИҚАТНИНГ  
ОДАМИ БЎЛИШГА УРИН. ЧУНКИ КУН  
ЎЗГАРАДИ, ҲАҚИҚАТ ЭСА АСЛО ЎЗ-  
ГАРМАЙДИ".  
Жалолиддин РУМИЙ.



Муҳаммад  
Юсуфни  
хотирлаб

Менинг бир қариндошим бор, ёзувчи  
бўлиш учун илми ҳам, лаёвати ҳам бўл-  
магани ҳолда, ёзувчиликка ҳавас қила-  
ди: илми борлигини, бошқа одамларга  
қараганда адабиётга яқин эканлигини  
кўрсатиш учун ҳамма ерда "П" ўрнига  
"Ф" ишлатади.

Абдулла ҚАҲХОР,  
Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси.

Қоса тагида нимкоса

"ОШИҚ-МОШИҚНИЯМ ЁГЛАБ ТУР-  
МАСАНГ, ФИЙҚИЛЛАБ ФАШИНГГА ТЕ-  
ГАДИ".

Ҳабиб СИДДИҚ.

Иқтибос

"СУЗ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИН-  
ЛАГАД ЮРТДА ТАҒАҚҚУР РИВОЖ-  
ЛАНАДИ, ТЎЛИШАДИ, ТЕРАНЛА-  
ШАДИ, ХАЛҚДАН ҚАЙНАБ ЧИҚҚАН  
ФИҚРЛАР БУЛОГИ ҲОКИМИЯТ-  
НИНГ ТАШНАЛИГИНИ ҚОНДИРА-  
ДИ. СУЗ ЭРКИНЛИГИНИ БЎГАДИ-  
ГАН ДАВЛАТ ЎЗ ИЛДИЗИГА БОЛТА  
УРАЁТГАН, ЎЗИ ИЧАДИГАН ДАРЁНИ КУРИТАЁТГАН,  
АМАЛДОРЛАРНИНГ ҚАЛЛОБИЛК БОТҚОҒИГА БОТИШ-  
НИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИГАН ВА ХАВФДАН ОГОХ ЭТАДИГАН  
ЖАРАНГДОР КЎНГИРОГИНИ ПАРЧАЛАЁТГАН, ЎЗ МИЯСИ-  
НИ ЭЛ-УЛУСДАН КЕЛАЁТГАН ҲИҚМАТЛАРДАН МАҲРУМ  
ЭТАЁТГАН, ДЕМАККИ, ЎЗИНИ ФИКРСИЗЛИК, ТУРҒУНЛИК  
ҮПҚОНИГА – ТАНАЗЗУЛГА СУДРАЁТГАН БЎЛАДИ".

Карим БАҲРИЕВ,  
публицист, шоир, таржимон.

БОШҚАЛАРНИ ЕНГУВЧИ КУЧЛИДИР, ЎЗИНИ ЕНГУВЧИ  
ҚУДРАТЛИДИР".

Лао ЦЗИ, чинлик мутафаккир.

»» Табобат

**БУРУН БИТГАНДА  
ЭНГ ЯХШИ ВОСИТА**

Керак бўлади:

- Лимон
- Уртacha катталикдаги пиёс
- 1 стакан сув

Тайёрланиши:

- Сувни қайнатиб олинг.
- Пиёзни майда бўлакларга бўлинг ва идишдаги сувга солинг.

Дамламани бир ошқошидан кунига 3-4 маҳал ичинг.

**ҚАНДАЙ МАҲСУЛОТЛАР  
КОННИНГ ИВИШИ ҲАФНИ  
КАМАЙТИРАДИ?**

Куркума. Кунига 7 грамм зиравор истеъмол қилганда тромбоцитлар агрегацияси эҳтимоли 20-25 фоизга камайди.

Киви. Бир ой ичада киви истеъмол қилганда, тромбоз эҳтимоли 30 фоизга камайди.

Бодом. Бу ёнгоклар Е витаминига бой, бу ҳам тромбопатентлар агрегацияси ҳавфни камайтиради. Е витаминининг кунтиқ дозасини тўлдириш учун кунига 55 грамм бодом истеъмол қилиш кифоя.

**КИВИ ФОЙДАЛАРИ ҲАҚИДА**

Бу кичик мевада тахминан 70 миллиграмм С витамини мавжуд – апелсиндан кўпроқ.

Тадқиқотлар шуни кўрсатади, киви кўриш қобилиятини яхшилашга, ўюрак флоалятини яхшилашга ва кўкрак саратонидан ҳимоя қилиши ёрдам беради.

У яна жуда кўп фолиев кислотаси ва Е витаминини ўз ичада олади, шунинг учун ҳомиладорлик пайтида ва нафақат аёллар, балки эркаклар ҳам диетага кивини киритиши жуда фойдали бўлади.

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
160000, Шимкент шахри,  
Тауке хан шохжӯчаси, 6-йи, 3-кават.  
Телефон: 53-07-10. Телеп fax: 53-04-66.  
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466.  
Адади – 11000 нусха.  
Буюктара: 2772.

Навбатчи мухаррир: Ҳуршид КЎЧКОРОВ.

